

Рўза ва дуо



16:39 / 02.04.2024 2099

Қуръони Каримда рўзанинг ҳукми баён қилинган оятларнинг орасида рўзага алоқаси йўқ, дуога, дуо қилишга тарғиб қилувчи бир оят бор:

«Агар бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, албатта, Мен яқиндирман. Дуо қилгувчи Менга дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман. Бас, Менга ижобат қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар» (Бақара сураси, 186-оят).

Уламоларимиз бунинг ҳикматини баён қилиб: **«Ушбу оят рўзада дуоларнинг ижобат бўлишини англатади ва Рамазон ойида бандани кўпроқ дуода бўлишга тарғиб қилади»**, дейишган.

Ҳадис шарифда: **«Албатта рўзадор учун ифтор пайтида рад қилинмайдиган дуо бордир»**, (Ибн Можа ривояти) дейилган.

Демак, Рамазон кунлари, хусусан, ифтор пайтларида бошқа нарсага чалғимасдан, имкон қадар кўпроқ дуода бўлишимиз мақсадга мувофиқ экан. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ифтор қилсалар: «Аллоҳумма инний ас’алука бироҳматикаллатий васиъат кулла шай’ин ан тағфиролий», яъни **«Аллоҳим, Сендан барча нарсани сиғдирган раҳматинг ила мени мағфират қилмоғингни сўрайман»** деб дуода бўлардилар.

Баъзи солиҳлар **«Рамазон келса, Аллоҳдан фалон-фалон нарсаларни сўраб оламан»**, деб Рамазон ойини интиқиб кутишар экан. Бизнинг ҳам Роббимиздан сўрайдиган дуоларимиз кўп. Шунинг учун Рамазон ойида Аллоҳдан сўраб олишдан ғафлатда қолмайлик.

Қудратуллоҳ Сидиқметов
«Ҳилол» журналининг 11(56) сонидан